



20 20 у « 6 » апрель

№ Қ-155

«    »                    20    г

Термиз тумани “Халқобод” маҳалласи  
худудидан “GREEN AGRO SURXON”  
МChJга “қишлоқ хўжалик  
маҳсулотларини етиштириш ҳамда  
экспорт қилиш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,20,34-моддаларига асосан,  
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш)  
масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 мартдаги  
05-02/160-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил  
10 мартдаги 34/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 мартдаги 05-02/160-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Халқобод” маҳалласи худудидан “GREEN AGRO SURXON” МChJга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 237а, 238 ва 238а-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 52,6 балл бўлган жами 17,5 гектар, шундан 16,9 гектар суғориладиган экин ер, 0,5 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,1 гектар йўллар билан банд ер майдонлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “GREEN AGRO SURXON” МChJ бошлиғи Ж.Алимовга:  
ажратилган ер майдонидан фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш учун фойдаланиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Саматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов